XALQ DEPUTATLARI SHAHRIXON TUMAN KENGASHI QARORI

171600, Andijon viloyati Shahrixon tumani Shox ko'cha 4-uy

2022 - yil 24 - iyun VI-28-40-1-28-K/22 Shahrixon tuman hokimligi

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида

янги маҳалла фуқаролар йиғини

ташкил этилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сонли "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-, 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Шаҳрихон тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман ҳокими Х.Дадахоновнинг "Андижонлик", "Бегбачча" ва "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинлари худудларида янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулласин.

2. Тумандаги "Андижонлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин ҳамда "Ёшлар" маҳалла фуқаролар йиғини деб номлансин ва унинг таркибига Хамза, Ёшлар, Ф.Хаджаев, Гултепа, Д.Абдурахмонов кўчалари киритилсин.

3. Тумандаги "Бегбачча" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин ҳамда "Ипак йўли" маҳалла фуқаролар йиғини деб номлансин ва унинг таркибига Бегбачча, Араб тўпи, Янгиобод, Сойибхожи, Гузар, Юксалиш, Тинчлик, Ёшлик кўчалари киритилсин.

4. Тумандаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин ҳамда “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини деб номлансин ва унинг таркибига Т.Юсупов, А.Расулов, Илғор-1, Илғор-2, Миллий тикланиш кўчалари киритилсин.

5. Туман ички ишлар бўлими (А.Исламов)га “Ёшлар”, “Ипак йўли”, “Илғор” маҳалла фуқаролар йиғинига белгиланган тартибда муҳр ва тамға тайёрлашга амалий ёрдам бериш вазифаси юклатилсин.

6. Туман статистика бўлими, Давлат хизматлар агентлигига “Ёшлар”, “Ипак йўли”, “Илғор” маҳалла фуқаролар йиғинини белгиланган тартибда давлат рўйхатига киритилишини таъминласин.

7. Туман молия бўлими (Д.Бурхонов) маҳалла фуқаролар йиғинига штат бирликларига молиялаштириш вазифаси топширилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Сарибоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.В.Дадахонов**

Xalq deputatlari Shahrixon tuman
Kengashining
2022 yil 24 iyundagi
VI-28-40-1-28-K/22-son qaroriga
1-ilova

Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича
Ч Е К Л И С Т

Шахрихон тумани ҳудудидаги умумфойдаланувда бўлган автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Йўналишлар	Мезонлар (коррупциявий омиллар)	Жавоблар				Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий 9омиллар	Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши	бор	-	йўқ	+	
	Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	бор	-	йўқ	+	
Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	бор	-	йўқ	+	
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	бор	-	йўқ	+	
	Давлат органи томонидан унинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	бор	-	йўқ	+	
	Вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	бор	-	йўқ	+	
	Кечиктириб тартибга солиш	бор	-	йўқ	+	
	Манфаатлар тўқнашуви	бор	-	йўқ	+	
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларининг мавжудлиги	бор	-	йўқ	+	
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	бор	-	йўқ	+	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда қолдириш	бор	-	йўқ	+	
	Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар	бор	-	йўқ	+	

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	бор	-	йўқ	+	
	Белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз белгиланиши	бор	-	йўқ	+	
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Санкцияларнинг номутаносиблиги	бор	-	йўқ	+	
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	бор	-	йўқ	+	
Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	бор	-	йўқ	+	
	Шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар	бор	-	йўқ	+	
	Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	бор	-	йўқ	+	